




Маъруза



Ассалому-алайкум азиз ҳамкасбларим!

Мен бугун сизлар билан
иш тажрибам асосида
ёзилган қуйидаги маърузам билан
ўртоқлашмоқчиман.






**Режалаштирган барча
ишларимизнинг бароридан келиши
кўп
жиҳатдан инсон кайфиятига боғлиқ.**

**Яхши кайфият доимий
хамроҳингиз бўлсин.**



Мавзу:

Иқтидорли болалар-
юртимиз келажаги



Мақсади:

а) Илмий

Ўқувчиларни
бошланғич
ижодкорликка
ўргатиш
ва фикрлаш
қобилиятларини
шакллантириш.

б)




Ривожлантир

Ўқувчи
Математика
қонун –
қоидаларига
мос ёзма ва
оғзаки
ҳисоблаш
малакаларини
ривожлантириш.

в) Тарбиявий

Юртимизнинг илмий аҳволини
юқори даражага кўтарадиган,
жамоат
ҳаётига чидамли, ҳар қандай
вазиятдан
йўл топиб чиқа оладиган
интеллектуал
шахсни тарбиялаш.

Вазифалари:

An empty light blue rectangular box with a white border, intended for a task description.An empty light blue rectangular box with a white border, intended for a task description.An empty light blue rectangular box with a white border, intended for a task description.An empty light blue rectangular box with a white border, intended for a task description.

Режа

I. Кириш.

Қобилиятлиликни аниқлаш ташхиси.

II. Асосий қисм.


- 1. Бошланғич синфларда қобилиятли ўқувчиларни ўқитишда ўқитувчига қўйиладиган талаблар.**
- 2. Болалар қобилиятини ривожлантиришда СТО усулидан фойдаланиш.**
- 3. Қобилиятли болаларда бўладиган фарқлар ва ўзгачаликлар.**
- 4. Ўқитувчининг қобилиятли болалар билан олиб борадиган иш намуналари.**
- 5. Қобилиятли болалар олдида турган вазифалар**

III. Хулоса

кириш

Келажакнинг бугундан ҳам
ёркин бўлишига таъсир
этиб одамзод аҳлини олдинга
интиптирадиган куч фақат
билимдадир.

Ҳар қандай элнинг ўсиб
ривожланиши, унинг билим
даражасининг
ривожланишига боғлиқ.



Ҳозирги вақтда юзага келган қийинчиликларни, ноқулай шароитларни енга оладиган ҳам, янгича йўл топадиган ҳам, ижтимоий алоқаларнинг тўғри йўналишини аниқлайдиган ҳам фақатгина ишбилармон, билимли касб эгалари бўлишига ишончимиз комил.



Президентимизнинг Қозоғистон халқига йўллаган мактубида: “Бизнинг ёш мамлакатимиз ўсиб етилиб такомиллашади, бизнинг болаларимиз билан невараларимиз у билан бирга вояга етади. Улар ўз авлодининг талабчан, тан соғлиги кучли вакиллари бўлади.” деган ишончи юзаки айтилган фикр эмас.



**Қалың елім отаныңға қорған бол!
Жеткіншегім жайқала өсіп орман бол,
Шет тілі мен компьютерді меңгеріп,
Елге тірек, нағыз ұлттық тұлға бол!**



**Элимизнинг келажаги чирой очиб
ривожланиб, ривожланган давлатлар
қаторига қўшилиши бугунги авлод
қийфасида қўриниб турибди.**

- Замон талабидан келиб чиқиб ёш авлодга илмий асосда билим бериш қобилиятларини ривожлантириш вазифаси туғилади. Узлуксиз билим бериш жараёнини ривожлантиришни ҳаётни ўзи талаб қилмоқда.
- Мактабдаги ўқув тарбия ишларидаги услубларни ҳар қайсиси ҳам ўқувчиларнинг ақл идрокига, фаросатини, одамийлигини такомиллаштиришга йўналтирилади.
- Аммо ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам бирдек қобилиятли эмас, шунинг учун ҳам устозларнинг олдида турган катта вазифа – олдида ўтирган шогирдларининг қобилиятлилигини аниқлаш.

Ўқувчилар қизиқувчанлигини аниқлаш, гуруҳларга ажратиш



Юзага келган
шароитга қизиқади.
Бу нима?



Ушлаб кўришга ёки йиғиб
кўришга ҳаракат қилади.
Нима ҳосил бўлади?






Бир нарсани юргизишга (олиб
боришга) фикр билдиришга
қизиқади. Нима бўлади?



Аниқ бирор нарсани ясайди, ўйлаб
топади. Нимагадир эришади?

Мана шундай ҳар хил топшириқлар орқали иш-ҳаракатларни бажариш борасида, болаларнинг нимага қандай қизиқишини аниқлайман. Қизиқувчанлик ҳаракати аниқ бўлгандан кейин ўқувчиларни ўйлаш қобилиятлари аниқланади





**Қобилиятли
болаларда
учрайдиган
ўзгачалиликлар**

Ўйлаш қобили-
яти кучли

Зеҳнли

Олдиндан кўра
билиш қобилияти
кучли

Янги фикр
аниқ айтиш

Эсада сақлаш
қобилияти чексиз

Кўнгил куйи бой

Билимга
хуштор



*Мусиқага
қобилиятли*



Сўзга чечан



*Илмий тажрибада
фаол*



*Ижодий қобилияти
кучли*



*Интеллекти
кучли*



*Артистлик
қобилияти кучли*



*Техник қобилияти
кучли*



Спортга мойил

**Қобилиятлилик
саккиз гуруҳга
бўлинади**

“Қобилиятлиликни аниқлаш” ташҳиси интеллектуаллик портрет болаларнинг ўйлаш қобилияти ҳақида тўлиқ маълумот бера олади.

- Улуғ немис педагоги А.Дестервнинг **“Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни ўзи айтиб беради, яхши ўқитувчи ўқувчиларни ўзи изланишга етаклайди, ўйлашга ўргатади”** дегани маълум.
- Шунинг учун ҳам ўқувчининг қобилиятини узайтирадиган, ўйлашга ўргатадиган дарслар юқори баҳоланади. Бу ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги алоқа. Ўқитувчи бу ҳолатларни қизиқувчанлик иш-ҳаракати уюштирадиган гуруҳий ишларнинг асоси бўлганликдан, ўқувчининг ижодий қобилиятини орттиришда бу дарсларнинг моҳияти кучли.
- Дарсда яхши ўқийдиган ўқувчилар билангина иш олиб бормаи ҳамма болаларни ривожланиши учун қулай вазият яратиб, қобилияти етган жойгача меҳнат қилиши режалаштирилса, ҳар ўқувчининг қобилияти, иқтидори очилар эди.

- “Булоқ кўрсанг,кўзини оч” дегандай,ҳар боланинг бўйида ярқ этган бир нур пайкалса ,уни ёруғликка чиқариш –устоз аҳлининг олдида турган олий бурчлардан биридир .
- Бола қоби лиятини шакллантиришда СТО услубини фойдалана билган яхшироқ.

СТО услубининг ўқувчилар учун фойдали томонлари:

- Ўз фикрини ривожлантиришга ўрганади.
- Гуруҳ билан ва якка ҳолда ҳаракат қилишга ўрганади.
- Дарсга қизиқиши ортади.

Яъни ўқитувчи ҳар куни ҳар хил усуллардан фойдалана билса, ўқувчи ҳар куни “Ўқитувчи бугун бизга қандай услубда дарс ўтади экан?” деган қизиқиши бўлади.

- Ўқитувчи дарсни ҳар куни бир хил йўналишда ,изчилликда дарс тушунтириб,ўқувчидан ўзининг айтганини қайта сўраб,шу асосда баҳоласа,унда СТО услубида ўқитувчи ўқувчига йўналиш беради, ўқувчи шу йўналишда ўзи изланиб давом эттирса,тўлиқ маълумот йиғади,яъни ўқитувчи ўқувчидан маълумот олади.

СТО билимни уч поғонада ўргатади

1. Қизиқувчанликни уйғотиш-янги дарсни бошлашдан аввал ўқувчининг шу мавзу ҳақида билишини аниқлаш ҳамда янги дарсга киришиш.
2. Янги мавзуни ўзлаштириш, изланиш, масалани ёки мавзуни таниб ўрганиш.
3. Фикр. Тафаккури. Рефлексия
Янги мавзуни ўтилган мавзу орқали яқунлаш.

Фикр тафаккур пағонаси.

- Ҳуқуқчи ҳақиб бўлгандан кейин ўргандим жадвалини тўлдириб.ўз саволларига жавобни ўзлари топади.
- Ҳақиб бўлгандан кейин ҳқитувчи сиз ҳқимасдан олдин савол қўймаган ахборот учратдингизми?Ундай ахборот бўлса, “ўргандим” жадвалини тўлдилинг.
- Жавобсиз қолган барча саволларни белгиланг.
- Бу жойда ҳқуқчи биринчидан ўз фикрини очик айта олишга,иккинчидан жуфт бўлиб ишлашга ,учинчидан савол қўя билишга ,тўртинчидан ўзи изланиб ўз саволларига жавоб топа олишга ўрганади.
- Умуман қобилият деганимиз – одамнинг маълум бир дунёга психологик қобилиятлилиги. Шу қобилиятни ўз вақтида аниқлаб,уни янада ривожлантира олиш даркор.Одам боласи яратилишидан қобилиятсиз бўлмайди.Бировларнинг қобилияти юқори, бировнинг қобилияти ўртача ёки паст бўлади.Ўз қобилиятига мос касб эгалари ҳаётда кўзлаган мақсадига эриша олади.
- Масалан ёзувчининг меҳнати,рассомнинг сурати,заргарнинг буюми.Ҳар кимнинг маҳорат қобилиятига мос юзага келади.Қобилиятлилиқ донишмандликка етказди деб бежиз аймаган ҳалқимиз.Ҳеч бир инсон онадан донишманд бўлиб туғилмайди фақат қобилият эгаси,иқтидор эгасини моҳир устаси бўлиб етказган жамят албатта.

Болаларнинг қобилияти икки факторга бўлинади.

Биологик фактор

Бу авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қобилият.

Майда ижтимоий фактор

Атроф муҳитнинг ва оиладаги ота-онанинг тўғри тарбия бериши.

Қобилиятли болаларда бўладиган ўзгачаликлар.

- 1.Фанга бўлган қизиқувчанлик ўта юқори даражада.
2. Воқеалар ва фанлар орасидаги боғлиқликни қабуллай олиш ҳамда шунга мос яқун яшаш.
- 3.Эсда сақлаш қобилияти юқори.
- 4.Сўз бойлиги чексиз.
5. Тўғри жавобни қабуллай олиши.

Ўқитувчининг иқтидорли ўқувчилар билан яқка ҳолда олиб борадиган ишлари.

- Бошланғич синфда иқтидорли болаларга аталган бўлакча ўқиш материалларини яшаш, боланинг ижодий мохирлигини ривожлантиради.Ўқитишда қўшимча мағулотлар орқали уларнинг қобилиятлари кенгайди ва ривожланади.
- Ўқувчиларнинг қизиқувчанлигига қараб қўшимча дарслар,тўғараклар уюштира ўтириб,ўқувчиларга психологик ёрдам,ақл бериб туриш керак.
- Уларнинг қизиқувчанликларини кенгайтириш мақсадида ота-оналар билан келишган ҳолда ижодкорлик машғулотларини олиб бориш лозим.Турли кечалар ўтказиб ўқувчиларни ўқишда, ишда,расм чизишда,санъатда қўлга киритган ютуқлари намоиш этилади.

Ўқувчиларда ўрганишга қизиқиш қобилиятларини ривожлантириш



**Катта ҳажмли
ахборотга эга бўлиш**

Сўз бойлиги ошириш

Муҳокама қилиш

**Мураккаб масалаларни
ечиш**

**Мураккаб фикрларни
қўллаш**

**Қарама-қаршиликни
тушуна билиш**

**Ўз фикрини синай
билиш**

**Содир бўлган
воқеалардан сабабли
боғлиқликни топиш**

Хулоса чиқара олиш



Тавақаллга бориш

Ижодкорлик қобилятлари



Ўйлаш ва иш-
ҳаракатнинг
тезлиги



Бой фантазия



Янги нарсалар
ўйлаб топиш



олдиндан кўра олиш
қобилияти

Қобилиятли болаларнинг кўнгил - куйдаги фарқлар

Ўзгаларни ҳурмат
қилиш

Ўзгалар танқидига
чидаш

Топшириқларни
вақтида
бажариш

Кўнгил кўтарувчи
ҳазиллар
айтиши

Иқтидорли ўқувчиларда учрайдиган муаммолар

Мактаб, ўқишга бўлган қизиқиши йўқ бўлиши.

Кўпинча бундай ҳиссиёт, яъни қизиқишнинг пастлиги

Ўқув дастурининг зерикарли бўлишидан пайдо бўлади.

Иқтидорли ўқувчилар кўпинча ўзларидан катта ўқувчилар билан дўстлар орттиришга мойил бўлади.

Катталарни эътиборини ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Иқтидорни аниқлаш – ўта муҳим муаммо бўлиб ҳисобланади.

Биринчидан оилада иқтидори бор болани ота-онаси сезмайди. Иқтидорга боғлиқ ҳатти ҳаракатлар, фиклашлари ёки психологик ҳолати ота-она тарафидан ёмон қабул қилинади.

Ота-она фарзандининг бошқа болаларга хос бўлмаган ҳатти-ҳаракатини нотўғри тушуниб, фарзандини ҳамма болаларга ўхшашга мажбурлайди. Ўзлари билмаган ҳолда фарзанди иқтидорини зўрлаб сўндиради. Бу ота-оналарнинг шу соҳада билимсизликлари, тажрибасизликлари оқибатида келиб чиқадиган ҳолат. Бундан жабрланган болаларда асаб касалликларига чалиниш ҳоллари кузатишган.

Инсоннинг ижодий қобилияти 2-5 ёшида шаклланиб тугайди. Бу ёш оралиғида асосий (фундамент) шаклланади.

Иқтидорли болалар билан юритиладиган иш турлари натижасида қуйидаги ютуқларга қўл еткизса бўлади.

1. Иқтидорли ўқувчининг ақл-ўйининг таъсирчанлик ва сиёсий ривожланиши билан бирга фарқлай олишни ўз кўз қараши орқали ривожлантиради.
2. Ҳар тамонлама ахборотни қабуллаш шу ахборотлар асосида ўз ўйини умр оқимига мослаш каби хислатлари пайдо бўлади.
3. Иқтидорли ўқувчининг ижодий ишлари ривожланиб, ҳар қандай ҳолатда ўзини эркин ушлаш мумкинчилиги ортади.
4. Иқтидорли ўқувчида атроф муҳитга ўзини ютуқларини кўз-кўз қилиш ҳолатлари кузатилади.

Хулоса.


**Тарихдан бизга маълум-иқтидорлилар,қобилиятлилар
жуда юқори баҳоланган.**

Иқтидорли ўқувчилар билан якка ҳолда ўта сезгирлик,сабр билан,ўқитишнинг турли
усуллари орқали
иш олиб боришда уларни мантиқий тафаккурлари,
топқирликлари ривожланади.

Меҳнатга нисбатан талабчанлик ва меҳр тарбияланади,
батартиблик ва коллективизм шаклланади.

**Ўқитувчининг ижодкорлиги ўқувчининг ижодкорлигини
уйғотади.**

**Азиз ҳамкасбларим , бошланғич синф ўқувчиларини
ўқитишда барчангизга сабр тоқат ва мустаҳкам ирода
хамроҳингиз бўлсин.**



Эътиборингиз учун ташаккур

Автор:
Абдурахманова Х